# Бирор қишлоққа кириш ёки кирмасликни хоҳлаганда айтиладиган зикр

Image not found or type unknown



03:20 / 13.07.2025    976

Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор қишлоқни кўриб, унга киришни хоҳласалар

اللهُمَّ رَبَّ السَّمَوَاتِ السَّبْعِ وَمَا أَظْلَلْنَ، وَالأَرْضِينَ السَّبْعِ وَمَا أَقْلَلْنَ، وَرَبَّ
الشَّيَاطِينِ وَمَا أَضْلَلْنَ، وَرَبَّ الرِّيَاحِ وَمَا ذَرَيْنَ، أَسْأَلُكَ خَيْرَ هَذِهِ القَرْيَةِ وَخَيْرَ أَهْلِهَا
وَخَيْرَ مَا فِيهَا، وَنَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّهَا وَشَرِّ أَهْلِهَا وَشَرِّ مَا فِيهَا

**«Аллоҳумма роббас самаватис сабъи вама азлална, вал арзийнас сабъи вама ақлална, ва роббиш шайотийни вама азлална ва роббар риёҳи вама зарайна, асъалука хойра ҳазиҳил қоряти ва хойра аҳлиҳа ва хойра ма фийҳа, ва наъузу бика мин шарриҳа ва шарри аҳлиҳа ва шарри ма фийҳа»**, деб айтардилар.

Маъноси: «Аллоҳим, Сен етти осмон ва уни соялантирадиган нарсаларнинг Парвардигорисан, етти ер ва у кўтариб турган нарсаларнинг Парвардигорисан, шайтон ва у адаштирган нарсаларнинг Парвардигорисан, шамол ва у учирган нарсаларнинг Парвардигорисан. Аллоҳим, бу қишлоқнинг яхшисини, аҳлининг яхшисини ва ундаги яхшиликларни сўрайман. Аллоҳим, бу қишлоқнинг ёмонидан, аҳлининг ёмонидан ва ундаги ёмонликлардан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман».

*Насаий ва Ибн Сунний ривоятлари.*

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***
***Таржимон Анвар Аҳмад***

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.